

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ
ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ражабов.Б.М

*Навоий давлат кончилик ва технологялар университети
"Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси асистенти*

Аннотация: Мақолада ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи омилларни мамлакат инвестицион фаолият самарадорлига таъсири баҳоланганд. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизимини такомиллаштиришга доир илмий тақлиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: инвестицион фаолият, инвестиция салоҳият, инвестицион жозибадорлик, рақобат афзаллиги, инвестицион самарадорлик, инвестицион риск, бозор механизми.

Кириш

Мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор ва мутаносиб иқтисодий ривожланишини таъминлаш Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, турмуш шароитининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил қилганлиги сабабли, унинг ҳар бир ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз, барқарор тараққиётига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция

салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим” [1], деб таъкидлаб, хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали худудларни комплекс ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятини ва уни жалб қилишнинг долзарблигини эътироф этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, мавжуд инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор чора тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қарорида алоҳида эътибор қаратилинган бўлиб, бу борада республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш билан боғлиқ вазифаларга устуворлик берилган[2].

Инвестиция фаолиятини тартибга солишда ва инвестициялардан самарали фойдаланишда энг муҳим бўлган масалалардан бири – бу чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни худудлар бўйича оптимал даражада бир текис жойлаштириш ва хорижий инвесторларни худудларга янада кўпроқ жалб қилишдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали худудларни комплекс ривожлантириш йўлларини шакллантириш доирасидаги қатор тадқиқот изланишлари хорижлик иқтисодчи олимлардан М.Миет, С.Лиесбетҳ илмий изланишларида алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотчилар фикрича, ўтиш даври мамлакатларида иқтисодиётни либераллаштириш жараёни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизмини такомиллаш-тиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Тўғридан-тўғри капитални тўплаш ва технологик ноу-хау орқали миллий корхоналарга технологиялар ва билимларни жалб қилиниши иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлайди[3].

Х.Хелиян П.Миҳаела, А.Вақар, тадқиқотларида худудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг институционал механизми тадқиқ этилади. Тадқиқот натижаларига мувофиқ мамлакат иқтисодиётидаги институционал сифат ўзгаришларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни худудларга жалб этиш тизимига ижобий таъсир қўрсатиши қайд этилади[4].

Т.В.Усковао илмий изланишларида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш вазифаси стратегик аҳамиятга эга эканлиги, унинг ечими хомашё экспортидан иқтисодиётнинг инновацион моделига ўтишини

талаб қилиши, бу борада инвестициялар асосий аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилган[5].

М.М.Прусак иқтисодиётни модернизация қилиш ва иқтисодий ўсиш учун реал шароитларни таъминлаш умуман давлатда ҳам, минтақаларда ҳам инвестиция фаолиятини фаоллаштиришни талаб этишни таъкидлай[9].

Н.Ф.Каримов хорижий инвестицион корхоналар учун макроик-тисодий, қонунчилик ва маъмурий шарт-шароитларни ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда барқарор солиқ қонунчилиги тизимини жорий этиш ҳамда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, дастурини шакллантириш билан боғлиқ жараён-лар тадқиқ этилади[6].

Профессор Ш.Мустафақулов ўз монографиясида хорижий инвестияларнинг мамлакат ҳудудларига таъсирини баҳолай туриб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини мамлакат иқтисодиётига йўналтириш билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам ҳал этилади..., инвесторларнинг қарорларига нафақат иқтисодий нафлик, балки ижтимоий нафлик ҳам сезиларли таъсир кўрсатади дея таъкидлайди [7].

Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини асослашга йўналтирилган юқоридаги тадқиқотларда макроиктисодий шароитларни яратиш орқали инвестиция жараёнлари ва иқтисодий ўсишнинг фаол суръатларини таъминлаш имкониятлари ўрганилган.

Тадқиқот методологияси

Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, статистик маълумотларни ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усусларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳудудларни комплекс ва мутаносиб тарзда ривожлантиришни таъминлаш, ҳудудларнинг мавжуд табиий-хомашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш керак. Бундай мақсадларга эришиш учун уларнинг географик жойлашуви, иқлими, тарихи, ер ресурслари қаби омиллардан келиб чиқсан ҳолда кичик ва оиласвий бизнесни ривожлантиришга эътибор қаратиш керак. Бу ишларни аниқ ва пухта ишлаб чиқилган дастур асосида амалга ошириш керак.

Хорижий ва миллий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг ҳудудларида яратилган инвестицион жозибадорлик, қулай инвестицион муҳит ва ҳудудларнинг нисбий афзалликлари муҳим ўрин тутади. Айнан юқоридаги

омилларга хорижий инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилади. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгилайдиган омил ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади. Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтида элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини учта гурухга бўлиш мумкин: инвестиция муҳити жуда яхши бўлган гурухлар; инвестиция муҳити ўрта даражада бўлган гурухлар; инвестиция муҳити даражаси жуда паст бўлган гурухлар. Буни биз қуйидаги жадвал маълумотларидан билиб олишимиз мумкин (1 -жадвал).

1-жадвал

Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш элементлари

№	Ҳудудлар	Ҳудуднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси	Ҳудудниң молиявий ресурслар билан таъмининиши	Инвестицион инфратузилма ривожланиш даражаси	Ҳудудниң демографик тавсифи	Институтсионал ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси	Ҳудуднинг инвестицион фаолият хавфсизлиги даражаси	Мутлақ интеграл кўрсаткич
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2.	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3.	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4.	Жizzах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5.	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6.	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7.	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8.	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9.	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10.	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11.	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12.	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13.	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14.	Тошкент.ш	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755

Биринчи гурухга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай инвестицион имкониятларга эга ҳисобланади (индекс 0,755-0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий ижтимоий-иктисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот-коммуникация тармоқларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гурухни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322-0,288). Ушбу ҳудудлар хорижий инвесторларнинг қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналар фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

Учинчи гурухга нисбатан кам ривожланган худудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284-0,234). Бу худудларда бошқа худудларга нисбатан мавжуд инфраструктура ҳолатининг етарли даражада ривожланмаганлиги, табиий иқтисодий, инвестиция муҳитининг аъло даражада эмаслиги мазкур худудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозимлигини белгилайди.

Мамлакатимиз худудлари ичидаги нисбатан кам хорижий инвестициялар жалб қилинаётган худудлар сирасига Жиззах, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларини киритиш мумкин. Мазкур худудлар республика миқёсида киритилган жами хорижий инвестицияларга нисбатан 3-10 фоиз миқдорда чет эл сармояларини жалб қилмоқда. Бу худудларда хорижий инвестицияларга нисбатан маҳаллий инвесторларнинг сармоялари салмоғи кўпдир (2-жадвал).

2-жадвал

2015-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби (чет эл инвестициялари ва кредитлари), фоизда[8]

Худудлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	18,5	20,7	23,8	24,3	43,6	42,7	42,7
Қорақалпоғистон Республикаси	48,2	44,6	10,0	23,7	36,9	38,9	38,2
Андижон	4,4	4,9	7,2	14,8	39,6	36,3	49,0
Бухоро	35,9	52,4	71,0	44,0	53,9	48,2	60,0
Жиззах	2,9	7,3	10,8	8,7	48,8	61,9	28,9
Қашқадарё	17,6	27,5	18,0	51,1	70,3	69,3	55,9
Навоий	3,0	5,1	24,2	34,0	39,9	67,8	60,2
Наманган	21,9	22,6	31,6	33,5	45,8	37,2	32,6
Самарқанд	4,0	2,2	2,8	4,7	27,8	27,0	31,8
Сурхондарё	10,4	9,8	11,5	21,4	66,3	60,1	44,1
Сирдарё	10,8	7,7	4,6	9,6	44,8	48,7	56,7
Тошкент	15,3	13,7	12,0	9,6	26,0	26,7	37,8
Фарғона	7,6	8,9	5,8	19,4	42,7	41,3	39,7
Хоразм	2,7	5,8	6,8	8,5	42,5	32,0	34,9
Тошкент ш.	13,0	16,4	18,1	15,1	36,7	29,9	39,6

Худудлар бўйича таҳлил қиласидаги бўлсак, сўнгги йилларда олиб борилаётган иқтисодий сиёsat натижаси ўлароқ мамлакатимизнинг барча худудларида инвестициялар оқими йилдан йилга ошиб бормоқда. Худудлар ривожланиши бўйича олдинда бўлган Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Қашқадарё ҳамда Наманган вилоятларида асосий капиталга инвестициялар миқдори бошқа худудларга нисбатан кўпроқни ташкил қиляпти.

Бу худудларда сўнгги йилларда миқдори 5-7 миллиард АҚШ долларигача бўлган йирик инвестиция лойиҳалари ишга туширилди.


3-жадвал

Худудлар кесимида асосий капиталга хорижий инвестициялар ва кредитлар[8]

Худудлар	Жами	Шу жумладан:		
		Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Ўз.Р. кафолати остида хорижий кредитлар	Кафолатланмаган бошқа инвестиция ва кредитлар
Ўзбекистон Республикаси	104457,3	30149,2	17318,2	56989,9
Қорақалпоғистон Республикаси	3010,2	158,2	1210,6	1641,4
вилоятлар:				
Андижон	5953,0	1269,7	300,5	4382,8
Бухоро	11401,1	1749,0	1785,7	7866,4
Жиззах	3821,1	1547,5	344,9	1928,7
Қашқадарё	9077,7	2116,1	950,8	6010,8
Навоий	9819,4	2057,6	157,3	7604,5
Наманган	4339,8	693,1	652,0	2994,7
Самарқанд	5633,6	1388,1	2058,4	2187,1
Сурхондарё	4992,2	2213,1	913,3	1865,8
Сирдарё	4940,6	1986,5	1148,6	1805,5
Тошкент	10515,5	6537,1	1327,8	2650,6
Фарғона	5124,6	2319,9	360,8	2443,9
Хоразм	2992,9	818,5	95,5	2078,9
Тошкент ш.	22835,6	5294,8	6012,0	11528,8

2021 йил январ-декабр ойларида 104457,7 млрд. сўм ёки асосий капиталга инвестицияларнинг 42,7 % и хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилди.

Жами хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 39879,4 млрд. сўмни ташкил этади ва қолган 64577,9 млрд. сўм хорижий кредитлар ҳисобига тўхри келади.



1-расм. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг давлатлар кесимидаги манбалари, фоиз [8]

Ўзбекистон инвестицияларни жадаллаштириш сиёсатига ўтишни бошлаган. 2020- 2022 йилларга мўлжалланган уч йиллик инвестиция дастури хориждан 35 миллиард доллардан кўпроқ маблағ жалб қилишга мўлжалланган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакат сифатида инвесторларга нафақат саноатга, балки электр энергияси ишлаб чиқариш, фармацевтика, алоқа хизматлари ва чакана савдо соҳаларига ҳам сармоя киритишни таклиф қилмоқда[8].

Хулоса ва таклифлар

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатидан кўзланган энг асосий мақсад хорижий инвестициялар иштироқида ташкил этилаётган ҳудудий корхоналар маҳсулот ёки хизматларини экспортга йўналтиришдан иборат. Бунинг учун маҳаллий корхоналаримиз негизида ташкил этилаётган корхоналар фаолиятини янгича ташкил этиш, улардаги ҳиссабай иштирок этиш, яъни акциялар улушига асосан томонларнинг қарор қабул қилишида иштирок этиш, энг асосийси хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналарнинг маҳсулот ёки хизматларини ташки бозордаги рақобатбардошлигини оширишга эришиш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Бизнингча юқоридаги тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши ҳудудий инвестиция лойиҳаларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради. Хорижий инвесторларни жалб қилишда турли усусларнинг қўлланилиши ўзининг самарали мевасини ҳозирнинг ўзиданоқ бермоқда. Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аник йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистон ўзига хос инвестицион иқлим яратса олди ҳамда бунга мамлакатнинг ресурсларга бой эканлиги ва уларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш борасида корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш бўйича берилаётган кенг имкониятлар хорижлик инвесторларни кириб келишига замин яратди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.
2. Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август, ПФ-5495-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300- сонли Қарори.
4. Лиесбетҳ Солен, Миет Маертенс анд Жо Сшиннен. Фореигн дирест инвестмент ас ан энгине фор эсномис гроwtҳ анд ҳуман девелопмент: А ревиew оғ тҳе аргументс анд эмпирисал эвиденсе. Жануарй 2009 ДОИ: 10.4324/9780203076880 ҳттп://www.ресеарчгате.нет/публикацион/237244956
5. Усковао Т.В. Роли инвестиций в обеспечении устойчивого экономического роста. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз 6 (30) 2013., 45-59 стр.
6. Прусак М.М. Стратегия региона: инвестиции в экономику // Финансы. 2001. - № 1. - С. 6-8. 10. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 240 б.
7. Ш.И.Мустафакулов, Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. БМА. 2017. 208-б.
8. www.stat.uz сайт маълумотлари асосида